ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАН
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ЮКОРИ ЧИРЧИКСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил «22» 06 2018 № 91 Янгибозор қ.

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, шунингдек устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон "Қишлоқ хўжалиги ва мелиориатив техникани, асбоб-ускуналарини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, ҳамда "Қишлоқ хўжалиги ва мелиориатив техникани асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича Давлат инспекторидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларнинг асбоб-ускуналарини:
туман худудидаги техника эгаларига тегишли қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника асбоб-ускуналарни 2018 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиклансин:
тумандаги мулкчилик шаклидан қаъий назар корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари хусусий тадбиркорлар ва жисмоний шахслардаги мавжуд бўлган қишлоқ ҳўжалиги в мелиоратив техникани, машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларнин асбоб-ускуналарини ҳар йилги техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофи тасдиклансин ва кўрсатилган мудлатларда техник кўрикдан ўтказилсин.
2. Қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар в сервис пунктларнинг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнин 1 августига кадар тугатилсин.
3. Туман хокимининг 2017 йил 03- февралдаги 121-сонли "Тракторлар, тракто тиркамалари, мелиоратив техникани ва ўз юрар машиналар, қишлоқ хўжалиг машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"г қарори бекор килинсин.
4. "Юқори Чирчик ҳаёти" газетаси мухарририяти (Ж.Абдиев)га транспорт воситаларин мажбурий техник кўрикдан сифатли ўткзиш, йўл харакати хавсизлигини таъминлашнин асосий гарови эканлигини тарғиб қилиб бориш тафсия этилсин.
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосар А.Тастанбеков зиммасига юклатилсин.

Туман хокими У.Атемов